



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 25 апрель, № 85 (7587)

Шанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



**Мана шундай оғир синов дамларида кўп миллатли халқимиз саросима ва ваҳимага тушмасдан, аксинча, четдан келган бу балонинг тезроқ ўтиб кетишига, ҳадемай яхши кунлар келишига ишониб, ўзининг мустаҳкам иродаси, меҳр-оқибати ва ҳамжихатлигини яна бир бор намоён этмоқда.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ВИЛОЯТЛАР КЕСИМИДА МАНЗИЛЛИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини тиклаш масалалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бир ойдан ортиқ давом этаётган карантин шароити барчага, энг аввало, давлат бошқаруви идоралари раҳбарлари учун синов ва тажриба бўлмоқда. Пандемиянинг аҳоли турмуш тарзига, тадбиркорлар фаолияти ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатиш бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда.

22 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ишлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари Самарқанд ва Наманган вилоятлари мисолида муҳокама қилинган эди. Бу йилги йиғилишда Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида шу борада амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Фарғонада 120 нафар, Қашқадарё

қашқадарё вилоятида 6 нафар фуқаро коронавирус билан касалланган.

Карантин даврида Фарғона вилоятида 10 минг, Қашқадарёда 11 мингта корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кескин камайган. Бунинг оқибатида айни пайтда ишсизлар сони ошган. Бундан ташқари, Фарғонада 56 мингта, Қашқадарёда 91 мингта эҳтиёжманд оила мавжуд.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ушбу вилоятлар ҳокимлигига касаллик юктириш хавфи юқори, ўрта ва паст даражада бўлган туман ҳамда фаолият турларини тахлил қилиб, карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича Республика махсус комиссиясига таклиф киритиш топшириғи берилди.

Жорий йилда қурилиш ва реконструкция ишлари учун Фарғона вилоятидаги 130 та объектга 632 миллиард сўм,

Қашқадарё вилоятидаги 132 та объектга 536 миллиард сўм ажратилган. Лекин биринчи чоракда маблағларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш режадагидан анча ортда қолган.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш учун қурилишларни давом эттиришга рухсат берилганини инобатга олиб, мазкур вилоятлардаги объектларда белгиланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш — энг долзарб масала. Бу борадаги катта резервлардан бири эса, боғ ва тоқзорлар қатор ораларидир.

Фарғона вилоятида 34 минг гектар, Қашқадарёда 22 минг гектардан ортиқ майдонда боғ ва тоқзорлар бор. Лекин ҳар йили фақат 20 фоиз қатор ораларига экин экилади холос.

Шундан келиб чиқиб, ушбу вилоятлар ҳокимлигига мавжуд боғ ва тоқзорлар қатор ораларига тўлиқ экин экилишини ташкил қилиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларда қудуқ қазиб, аҳолига бўлиб бериш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун Фарғонага 15 миллиард сўм, Қашқадарёга 11 миллиард сўм ажратилган.

Кам таъминланган оилаларга қорамол, парранда ва асалари уяси тарқатиб, кооперация асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бу йил сув камлиги сабабли Ўзбекистон, Учкўприк, Ёзёвон, Қўштепа, Миришкор, Нишон, Муборак ва Касби туманларида тақрорий экинларни суғоришда қийинчиликлар бўлиши мумкин.

Ў.А.



■ **Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Жамиятда адолат тамойиллари устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш авлод таълим-тарбиясига янада жиддий аҳамият қаратиш бугун мамлакатда кечаётган ислохотларнинг бош мезони саналади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг видеоконференцадоқа шаклида ўтказилган навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан ушбу йўналишларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга оид бир қатор қонун лойиҳалари атрофича кўриб чиқилди.

## ■ «Халқ сўзи» учун махсус

**АҚШ мамлакатимизнинг коронавирусга қарши қўллаётган чораларини юқори баҳолади**



Америка — Ўзбекистон савдо палатаси (АҚШ) раиси Кэролин Лэмм Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакатда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича қўйлаётган инқирозга қарши чораларни юқори баҳолади.

— Савдо палатаси аъзолари COVID-19 пандемиясига қарши курашда Ўзбекистон халқини қўллаб-қувватлайди, — дейди у. — Янги вирусли инфекция туфайли жорий қилинган чекловларга қарамай, биз гуманитар ва тижорат ёрдамини кўрсатиш орқали Ўзбекистоннинг иқтисодий ривож-

ланишига кўмаклашиш ишларини давом эттирмаймиз. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида аҳоли, хусусий компаниялар, хорижий корхоналар ва инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил чоралар қўйилмоқда.



## ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда коронавирус тарқалишининг олдини олиш борасида тизимли ва қатъий чоралар қўрилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан халқимизнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир неча муҳим фармонлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳужжатларнинг амалда самарали жорий этилаётгани бугунги оғир кунларда халқимизга катта мадад бўлмоқда.



Коронавирус пандемияси даврида Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ҳам меҳнат бозорига, меҳнат муно-

сабатлари ва аҳоли бандлигига салбий таъсирни юмшатиш мақсадида тегишли зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамоат ишлари-

га жалб этилаётган фуқароларнинг меҳнат ҳақларини ҳар беш кунда тўлаб бериш механизми йўлга қўйилди. Ишсиз, вақтинча ишини йўқотган фуқаролар жамоат ишларига жалб этилиб, бугунча уларга 3,2 миллиард сўм тўлаб берилди.

## ■ Фамхўрлик



## ■ Сенатор мушоҳадаси

**Шундай пайтда томошабин бўлиб қараб турсак ярашмайди**

Коронавирус пандемиясига қарши ўз вақтида қўрилган муҳим чора-тадбирлар фойда бераётганлиги, юзлаб беморлар соғайиб, касалланиш даражаси анча пасайгани барчамизни бирдек хурсанд қилмоқда. Президентимизнинг шу йил 20 апрелда санаёт, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналари тула ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирган фикрлари ҳамда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш юзасидан илгари сурган ташаббуси биз, тадбиркорларни янада руҳлантириб юборди.

Давлатимиз биз, ишбилармонларни доим қўллаб-қувватлаб келган. Шу вақтгача ҳам қатор имтиёзлар берилди, бунинг орқасидан ишимизни ривожлантирдик, даромадимизни кўпайтирдик. Энди эл бошига ташвиш тушганда, қийин бир шароитда биз кўл қовштириб, томошабин бўлиб қараб турсак ярашмайди. Масалан, ўзимиздан келиб чиқиб айтсам, хайрли ишга ҳисса

қўйиш мақсадида Навоий шаҳридаги 100 та кам таъминланган оилга 3 ой давомида озик-овқат маҳсулотларини бепул етказиб беришни бошладик. Қолаверса, ушбу хонадонлардан 50 нафар оила бошлиқларини иш билан таъминлаб, кафолатланган даромад манбаи шаклланишига кўмак берилди.



## ГЛОБАЛ ТАҲДИДГА ЖАВОБ:

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Янги турдаги коронавируснинг тарқалиши жаҳон ҳамжамияти учун фавқуллодда ҳолатга айланди. Аксарият экспертлар томонидан бу Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг йирик ижтимоий ва иқтисодий инқироз сифатида кўрилмоқда.

## ■ Таҳлил

Айни вақтда кўпчилик дунё сиёсати ва иқтисодиёти учун ушбу пандемиянинг яқини оқибатларини олдиндан айтиш қийинлигини билдирмоқда. АҚШнинг собиқ давлат котиби Г. Киссинжернинг фикрича, “коронавирус пандемияси жаҳон тартиботини буткул ўзгартирди, сиёсий ва молиявий ўзгаришлар бир неча авлод ҳаётида давом этиши мумкин”. Ушбу фикр билан бахslashлашиш қийин. Ҳақиқатан ҳам, COVID-19 пандемияси миллионлаб инсонлар ҳаётини “олдин” ва “кейин”га ажратди.

Қисқа муддатларда вируснинг тарқалиш кўлами бунга ҳар қандай ҳодисага шубҳа билан қаровчиларни ҳам ҳайрон қолдирапти ва уларнинг фикри ўзгаришига олиб келяпти. COVID-19 тарқалиш географияси 216 та давлат

ва ҳудудларни қамраб олган. Касалланганлар сони 2,7 миллиондан ошиб кетди, вафот этганлар эса 190 минг нафардан ортиқни ташкил этмоқда.

Барчамиз учун бу пандемия олдиндан билиб бўлмайдиган, аммо тарих ўзанини буриб юборадиган ҳодиса бўлди. Дунёда биронта ҳам давлат бу иллатнинг ҳам эпидемиологик, ҳам иқтисодий таҳдидларига тўлиқ тайёр эмас экан. Вирус мамлакатларнинг ҳудуди, кудрати ва таъминланганлик даражасидан қатъи назар, заиф эканлигини кўрсатди.

Бундан Ўзбекистон ҳам четда қолмади. 15 мартда Тошкент шаҳрида биринчи марта вирус билан касалланиш ҳолати қайд этилди. Айни вақтда вируснинг бошқа давлатларда шиддат билан тарқалиши Ўзбекистон учун унга



## ЕОИИда кузатувчилик мақоми нима беради?

ЕОИИ билан ҳамкорлик масаласида бир тўхтама қилиш давлатимиз, хусусан, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу маънода, қуйи палатада ушбу масала муҳокамаси жараёнида ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

## ■ Депутат фикри

Албатта, мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги иқтисодий манфаатларга хизмат қилиб, Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотларда ўз ўрнига эга бўлишини билдиради. Бу жиҳат, энг аввало, юртимиз иқтисодиётини юксалтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги технологиялар ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, иқтисодий интеграциянинг кенгайиши, халқаро бозорда мулоқот ҳамда рақобатга тайёр бўлиш даражасини юксалтиради.

Ўз навбатида, бу борада билдирилаётган турли фикр ва мулоҳазаларда Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи мақомига эга бўлиши мақсада мувофиқлиги ҳам алоҳида таъкидланмоқда. Фикримизча, кузатувчилик мақоми ЕОИИнинг ишлаш механизмлари ва иқтисодий афзалликлари билан яқиндан танишиш имконини беради. Шунингдек, маҳсулот сифатига қўйлайдиган талабларни, ЕОИИ ҳудудида ишлатиладиган фитосанитария ва бошқа стандартларни яхшироқ ўрганишга замин яратади.



**КОРОНАВИРУС**  
бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 24 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **2 796 990** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **761 070** нафар, вафот этганлар сони — **194 785** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 24 апрель соат 23.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **1804** нафар, тузалганлар **621** нафар, вафот этганлар **8** нафар.

**УЙДА ҚОЛИНГ!**





